


# Интернетда бир кун...



2011 йил якунига келиб мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 8 миллиондан ошди. Бу каттагина аудитория соҳада **режалаштирилган лойihalарнинг амалга ошиши баробарида кенгайиб бораверади.** Яна бир факт: миллий UZ доменида давлат органи ва хўжалик бошқаруви идоралари расмий веб-сайтлари орқали 350га яқин турдаги интерактив хизматлар йўлга қўйилган. Энди савол туғилади: Бир томондан **хукуратимиз давлат ахборот ресурслари очиқлигини таъминлаш, хусусан, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви идоралари, ҳокимиятлар расмий веб-сайтлари орқали хизматлар тақдим этишни такомиллаштиришга эътибор кучайтираётган, яна бир томондан фуқароларимиз онлайн хизматларга ўрганиб-одатланиб бораётган бугунги кунда интернет бозорининг давлат секторида талаб ва таклиф қай аҳволда?**

5-бет

## Сўнги янгилик!

АҚШда "оқ йўлакчи" (WhiteFi) частоталар орқали биринчи симсиз интернет тармоғи ишга туширилди. Ҳозирча 1,5-3,1 Мбит сония тезликни таъминлаётган бу тармоқ телеканаллар рақамли шаклга ўтгач бўшаб қолган радиодиапазонда ташкил этилди.



Аввалига бу частоталарга мобил алоқа компаниялари даъвогарлик қилишганди, бироқ коммуникациялар бўйича Федерал Комиссия замонавий оптик толали кабеллар етиб бормаган чекка худудларга сифатли интернетни етказиш учун "оқ йўлакчи"ни кент полсалари уланишининг янги тизимини яратишга ажратди.

Алоқа оламида

## Ушбу сонда:

|                                    |    |
|------------------------------------|----|
| Почта, божхона ва хавфсизлик       | 2  |
| Ижтимоий масала доимий эътиборда   | 3  |
| 4G-тармоқ стандартлари тасдиқланди | 4  |
| Изучается книга Президента         | 6  |
| Телефон фойдалими ёки...           | 13 |
| "Ўзбектелеком" пешқадам            | 15 |
| Теледастурлар, спорт, кроссвордлар |    |



## Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси жамоасига табриги чоп этилди.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ва Бухоро Давлат университетиде Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номи асарини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига сингдириш масалаларига бағишланган минтақавий ўқув-семинарлар ўтказилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг марказий кенгаши Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якулари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳаракат дастурини муҳокама этиш ва қабул қилиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Жиззах шаҳрида "Тадбиркорлик — мустақкам оила пойдевори" мавзуда бизнес-форум ташкил қилинди. Тадбир доирасида республика тижорат банклари томонидан энг мукамал деб топилган 72та лойиҳа эгаларига 18 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Мамлакатимизда ғазал мулкнинг султони — Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишланган учрашув, давра суҳбатлари ва адабий кечалар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Навоий Давлат педагогика институтиде бўлиб ўтди. Тадбирда улуг шоир асарларини муталаа қилиш ёш авлод қалбиде Ватани, миллатни ва миллий қадриятларимизни улуглаш туйғусини янада кучайтириши ва уларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Токио шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Ушбу маданий тадбир мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ҳамда 2011 йилнинг августиде Самарқандда ўтказилган "Шарк тароналари" халқаро мусика фестивалида "Мухлислар эътибори" совринига сазовор бўлган Япониянинг таниқли "Пинхоний аждар" мусиқий фолклор гуруҳи томонидан ташкил қилинди.

Пойтахтимиздаги Tashkent Palace меҳмонхонасида "Божхона соҳасида почта тармоғига тегишли ўзгаришлар" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинар Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ва Бутунжаҳон почта иттифоқи ўртасидаги алоқалар дастурини амалга ошириш доирасида ташкил этилди. Унда Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар вакиллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбарияти ва филиаллар бошлиқлари иштирок этдилар.

Тадбирнинг расмий очилиш кимида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш.Атамухамедов сўзга чиқди.

Семинарда БПШнинг "Почта хавфсизлиги" дастури раҳбари Дэвид Бауэрс, АҚШ почта хизматининг бош инспектори Грег Кр366, La Poste (Франция)нинг божхона масалалари бўйича раҳбари Оливие Цал-



## Почта, божхона ва хавфсизлик

патурослар почта жўнатмаларини божхонада расмийлаштириш ва почта хавфсизлиги йўналишидаги қатор мавзуларда маърузалар ўқидилар. Маърузачилар почта тармоғи-

да ҳаво йўллари хавфсизлигини таъминлаш чоралари, бу соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар, Бутунжаҳон почта иттифоқининг хавфли жўнатмаларни қабул қилиш ва элтиш бўйича низомидеги сўнгги ўзгаришлар ва янги қоидалар, божхона билан EDI (Electronic data interchange) хабарлар алишиш ва юклар ҳақида олдиндан маълумот бериш ва бошқа масалаларга батафсил тўхтадилар.

Мазкур семинар шу йилнинг 24 сентябридан 15 октябрига қадар Доҳада (Қатар) бўлиб ўтадиган БПШнинг 25 Конгрессига тайёргарлик вазифасини ҳам ўтаб берди.

Ўз мухбиримиз

### Маълумот ўрнида:

Айни вақтда Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ўз таркибига 19 иштирокчини жамлаган. Шулардан 12таси (Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Украина) тўлақонли аъзо ва еттаси (Латвия Республикаси алоқа маъмурияти, "Ителла групп" (Финляндия) корпорацияси, "Эсттелеком" ва "Эстония почтаси", Болгария Республикаси алоқа маъмурияти, Словения Республикаси алоқа маъмурияти, "Интерспутник" халқаро космик алоқа ташкилоти) кузатувчи ҳисобланади.

## Қонунни ўрганамиз

Маълумки, Олий Мажлис Сенати томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун шу кунларда барча ерда яқдиллик билан ўқиб-ўрганилмоқда. "Ўзбектелеком" АҚнинг Бухоро филиалида ўтказилган ўқув семинари чоғида ҳам шундай бўлди. Янги Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, уларни қундалик фаолиятда қўллаш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ўқув семинарини ЎзАААнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Худоёров кириш сўзи билан очди.

Вилоят алоқа корхоналари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида ташкил этилган семинарда сўзга чиққан вилоят давлат алоқа инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдужаббор Атамурадov Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунни 1999 йил 20 августда қабул қилинганлигини, жамиятимиз ривожининг хозирги босқичида мазкур муҳим ҳужжатга тегишли қўшимча ва ўзгаришларни киритиш зарурати туғилганлиги боис, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишларида кенг муҳокама қилинганлигини ҳамда ушбу палата томонидан 2011 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунни қабул қилинганлигини ва Сенат томонидан ўтган йилнинг 5 декабрида маъқулланганлигини тилга олиб ўтди.

Ўқув семинари чоғида мазкур Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ўзида мужжасам этган моддалар хусусида батафсил сўз юритилди. Жумладан, Қонуннинг 2-моддаси, 8-модданин биринчи қисми, 8<sup>1</sup> ва 10<sup>1</sup>-моддалари, 2-модда, шунинг-

дек, 16 ва 17-моддалардаги бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар хусусида тингловчилар аниқ маълумотга эга бўлдилар.

Дарҳақиқат, аҳоли ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларга кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари давр талаблари даражасида бўлиши зарурлигини тезкор давримизнинг ўзи тақозо этмоқда. Амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалардан кўзда тутилган мақсад битта — у ҳам бўлса жойларда кўрсатилаётган замонавий хизмат турларининг ахборот технологиялари асри талаблари даражасида бўлишини таъминлашдан иборатдир. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган хозирги шароитда бу ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан аён. Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунининг бир қатор моддалари қисмлари ва хатбошиларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, ҳеч шубҳасиз, алоқадор корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ва масъул ходимлари томонидан чуқур ўқиб-ўрганилиши, ҳаётда қўлланилиши ва, албатта, бу борада бирор-бир қонун бузилишларига йўл қўйилмаслиги даркор.

Ўқув семинари давомида тингловчиларга, шунингдек, соҳага тааллуқли бошқа бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Алоқа тўғрисида"ги, "Почта алоқаси тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуларнинг асосий мақсад ва мазмун-моҳияти ҳақида тегишли тушунтиришлар берилди. Айниқса, ЎзАААнинг 2012 йил 12 январдаги фармойиши ижросини таъминлаш бўйича вилоятдаги алоқа хизмати кўрсатувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар муурожаатлари тўғрисида"ги Қонунни юзасидан апрофлиқа фикр-мулоҳазалар билдирилиб, балдаги вазифалар белгилаб олинди. Жойларда алоқа хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида тегишли чора-тадбирларни белгилаб олиш, хизмат маданиятини юкори даражага кўтариш учун бевосита истеъмолчилар билан ишлайдиган ходимларни танлов асосида ва суҳбатдан ўтказган ҳолда ишга қабул қилиш бўйича аниқ маслаҳат ва тавсиялар илгари сурилди.

Аскар ИСТАМОВ,  
"Хабар"нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири



## Ижтимоий масала доимий эътиборда

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали меҳнат жамоасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда "Ўзбектелеком" АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2010-2011 йиллар учун тузилган Ягона жамоа шартномасининг филиалда бажарилиши яқунлари таҳлил этилди.

Меҳнат ва меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича белгиланган мажбуриятларни бажариш юзасидан "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Соҳада узок йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган 937 нафар ходимга узлуксиз иш стажи учун қарийб 407 млн. 500 минг сўм қўшимча ҳақ тўланди. Ишчи-ходимлардан саккиз нафари сihatтоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаб олдилар. Уларнинг уч нафарига филиал маблағлари ҳисобидан йўлланмалар берилди. Биринчи марта қонуний никоҳдан ўтган 26 нафар ходим салкам 14 млн. сўм, нафақа ёшига етиши ва юбилейлари муносабати билан 80 нафар ходим 20 млн. сўмдан ортик миқдорда рағбатлантирилди, шунингдек, нафақага чиқиб, меҳнат фаолия-

тини яқунлаган 20 нафар ходимга 11 млн. 700 минг сўмдан ортикрок моддий ёрдам берилди.

Ишчи-ходимларнинг фарзандларидан 200 нафари оромтоҳларда соғломлаштирилди.

Филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси маърузасида ана шуларга кенг тўхталинди. 2012 йил — Мустаҳкам оила йилида амалга оширилиши зарур бўлган хайрли ишлар, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида ҳам гап борди. Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Азизахон Абдуллажонов, бош муҳандиси Улуғбек Султонов, ходим Холисхон Кодирова, Кува телекоммуникациялар боғламасидан Хасан Аъзамов, Қўштепа телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Зокиржон Тўйчиев ва бошқалар филиал фаолияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ишларини янада яхшилаш, замонавий технологиялар жорий этилиши боис ишсиз қолган ходимларга ва ТАТУ Фарғона филиали ҳамда ахборот технологиялари коллежи битирувчиларига янги иш ўринлари яратиш, меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этилиши назорати юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

Анжуманда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Ишанходжаев, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши бўлими бошлиғи Абдунаби Абдураулов, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Юлдошевлар тўпланиб қолган баъзи муаммолар масалалар ечим бўйича йўналиш ва кўрсатмалар бердилар.

## Сифатли хизмат — муваффақиятлар омили



"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалига қарашли Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси томонидан кўрсатилаётган хизматдан аҳоли мамнув. Етмиш киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси ҳозир олис овуларда яшовчи аҳолига қудайлик яратиш мақсадида сямсиз алоқа хизматини кенг йўлга қўйишга доир ишларини оlib бормоқда.

Суратда: "Ўзбектелеком" АКнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалига қарашли Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Умит КАБУГУЛОВА.

ЎЗА

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиалида 2009-2011 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг яқуни бўйича ўтказилган жамоа конференцияси ҳам гоятда қизгин музокаралар руҳида ўтди. Унда меҳнат жамоаси ишчи комиссиясининг ахбороти, амалдаги жамоа шартномасининг 2011 йилдаги ижроси бўйича ҳисобот эшитилди.

Хисобот даврида корхона маъмурияти томонидан жамоа шартномаси шартларини бажаришга 5 млрд. 197 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Биринчи марта қонуний никоҳдан ўтган 32 ходимга 13 млн. сўмдан кўпроқ, ишламаётган ёлғиз пенсионер ва бола парваришидаги 528 нафар аёлга 6 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Филиал ишчи-ходимларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишлари учун салкам 151 млн. сўм, юбилей саналари, пенсия ёшига етган 80 нафар ходимни рағбатлантиришга 23 млн. сўмликдан кўп маблағ сарфланди. Шуниси қувончлики, 2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили давлат дастурига биноан ташкил этилган "Почта парранда мўъжизаси" МЧЖда 13та иш ўринлари яратилди ва ишчи-ходимларга арзон нархларда қорамол, балиқ, парранда гўшти ва тухум етказилиб турилди.

Беш нафар ТАТУ ва 21 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди. Тўққиз нафар ходимнинг ТАТУда таҳсил олаётган фар-

зандлари контракт тўловлари (салкам 5 млн. 600 минг сўм) тўлаб берилди. Қисқаси, жамоа шартномасида қабул қилинган 90та банднинг ҳаммаси бажарилди.

Конференцияда таъкидландики, жорий Мустаҳкам оила йилида ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга киришиш зарур. Хизматларнинг янги турларини жорий этиш, почта қўналмалари ва пул маблағлари муҳофазасини янада яхшилаш учун почта алоқаси объектларини техник жиҳатдан мустаҳкамлаш муҳим вазифалардандир. Бундан ташқари, иш ўринларини малакали ходимлар ҳисобига тўлдирish, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш хамиша диққат марказида туриши керак.

Конференцияда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Ишанходжаев иштирок этди.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
"Xabar"нинг  
Фарғона вилоятидаги мухбири

"Ўзбектелеком" АК ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжаллаб тузилган ягона жамоа шартномаси соҳа ходимларини ижтимоий муҳофазалаш билан боғлиқ эзгу ишлар ўз мужассамини топган муҳим ҳужжатлардан бири эканлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу жамоа шартномасининг 2011 йилда бажарилиши яқунлари компаниянинг Бухоро филиали маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ҳам мазкур йўналишда муайян натижаларга эришилганлигини кўрсатди.

## Устувор вазифалар

Филиал бўйича 2011 йилда ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 342,7 минг сўмни ташкил қилиб, бу Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 6,4 баробарига тенг бўлди ёки 2010 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўпайди. Соҳа ходимларининг ҳар ойда ўз маошига қўшимча равишда 122,2 минг сўмдан ҳақ олгани ҳам диққатга сазовор. Иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар устидан олиб борилаётган доимий назорат ишлари, мониторинг кузатувлари ҳам бу борада ўз самарасини бериб турибди. Корхона ва ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси масалалари ҳам алоҳида эътиборда. Шу боис, вилоятнинг бир қатор шаҳар ва туманларида, жумладан, Ромитан, Вобкент туманлари ҳамда Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламларида ушбу йўналишдаги ишларда, айниқса, қўрилган натижаларга эришилмоқда. Қолаверса, жамоа шартномасидаги меҳнат муҳофазаси бандлари ижросини таъминлаш корхоналар маъмуриятининг ҳам, касаба уюшмаси кўмиталарининг ҳам биринчи галдаги вазифаларидан бирига айланган.

Ўтган йилги иш натижалари айнан шунини тасдиқлаб турибди. Яъни, 2011 йил давомида меҳнат муҳофазаси бўйича жами 80,423 минг сўм миқдоридан маблағ сарфланди. Бундан ташқари, махсус кийимбош сотиб олиш учун 38,127 минг сўм, зарарли шароитларда ишлайдиган ходимларга сут ва шарбат маҳсулотлари сотиб олиш учун 819,5 минг сўм тўланганлигини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз. Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун ажратилган 2,811 минг, алоқа ходимлари фарзандларини "Ёш алоқачи" оромгоҳида соғломлаштириш учун сарфланган 15,896,5 минг сўм ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун берилган маблағлар ҳам ходимларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида олиб борилган ишлардан ҳисобланади.

"Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиалида жамоа шартномасининг 2011 йилда бажарилишига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шулар ҳусусида батафсил сўз юритилди. Қун тартибидеги масала юзасидан сўзга чиққан вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукурлаева, филиал директорининг ўринбосари Исоқ Исмоилов, филиал меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича етакчи мутахассиси Рамазон Расулов, ЎзААА вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Худоёров ва бошқалар маъмурият ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида тузиб келинаётган жамоа шартномалари аҳамияти, бу муҳим ҳужжатнинг ишловчиларни ҳар томонлама ҳимоялашдаги ўрни, шартнома бандлари ижросининг зарурлиги бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бир қатор ўринли таклифларни ўртага ташладилар. Маданий-маърифий, спорт ишларини жонлантириш, ходимларнинг сиёсий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган турли мавзулардаги тадбирлар доирасини кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар. Президентимиз томонидан 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинганлиги ҳам бу борадаги ишларни янада кучайтиришни, айниқса, оилавий спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказишни ва яхши натижаларга эришишни тақозо этади, албатта.

Йиғилишда қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Жамоа шартномаси бажарилишига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов сўзга чиқди.

Худди шундай йиғилишлар "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Бухоро филиали ва вилоят "Матбуот таркатувчи" шўъба корхонасида ҳам ўтказилди.

И.АСҚАРОВ



## Xalqaro hayot



**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ**нинг 25 давлати етакчилари евро худуди доимий ёрдам фондини мувофиқлаштириб турувчи янада мукамалроқ моливий иттифоқ пакти (келишув)га розилик билдирди, деб ёзади The Wall Street Journal.

Етакчилар Грециядаги ҳолатни муҳокама қилишган, ammo якуний натижа бўйича бирор тўхтамга келишолмаган. Айрим таҳлилчилар ушбу пакт жорий таназзулни тартибга солишга ёрдам бермаслигини ва Ирландия ва Испания сингари давлатлар иктисодиётида мавжуд бўлган нодавлат қарздорлик муаммосини еча олмаслигини тасдиқлашмоқда.

**ЯМАН**да "Ал-Қоида" ташкилотининг 15 нафар жангариси йўқ қилинди. Хукумат вакилларининг хабар беришича, ўлдирилганлар орасида ташкилотнинг Ямандаги худудий бўлими етакчиси Абдул Монем ал-Фатҳани ҳам бор.

Маҳаллий ҳарбийлар жангариларга Абян музофотида Америка ҳарбий самолётлари билан зарба берилганлигини айтишган. Ammo АКШ ҳукумати бу хабарни тасдиқлагани ҳам, инкор этгани ҳам йўқ.

**РОССИЯ** Суриянинг "ички можаросига" аралашшига қарши кескин чиқиш қилди. РФнинг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркин БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилишида Суриядаги жараёнларга тўхталар экан, "Россия БМТ Хавфсизлик кенгашининг Сурия можаросига ташқаридан аралашши учун йўналтирадиган ҳар қандай чораларини инкор этади", дея таъкидлаган. Шунингдек, у муҳокама қилинаётган резолюция лойиҳасини ҳам танқид қилган. Президент Асад истеъфосини назарда тутувчи бу ҳужжат қарама-қарши томонлар ўртасидаги зиддиятни ҳал қилишга ёрдам бермаслигини, балки Сурияда фуқаролар урушини келтириб чиқариш хавфини кучайтиришини айтган.

**УКРАИНА**да совуқдан қурбон бўлганлар сони ўттиз нафарга етди. Кучли аёздан асосан бошпанаси йўқлар жабр кўрмоқда. Вазиятни ўнглаш учун мамлакат шаҳарларида махсус исиниш масканлари очилди. Хукумат яқин кунларда яна 150та иссиқлик генераторлари, иссиқ чой ва озиқ-овқат билан таъминланган чодирлар очишни режалаштирган.

Марказий ва Шарқий Европада ҳам одамлар совуқдан азият чекишмоқда. Болгария, Босния ва Герцоговина, Литва, Полша, Сербия, Словакия ва Чехияда ҳам қурбонлар ҳақида хабарлар бор. Айрим мамлакатларда тунги ҳарорат минус 30 даражагача етган.

**ESET NOD32** антивируси бирданига иккита юқори мукофотни қўлга киритди — AV-Comparatives мустақил тест лабораториясининг "Энг яхши антивирус маҳсулоти 2011" мақоми ҳамда Virus Bulletin британ журналининг сўнги тестлаштириш якунлари бўйича 71-мукофоти.

AV-Comparatives лабораториясининг "Йилнинг энг яхши маҳсулоти" мақоми 2011 йил ўтказилган барча тестлаштиришларда яхши натижаларни кўрсатган компаниялар маҳсулотига берилдиган мукофотдир. Ўтган йили ESET NOD32 ечими маълум ва номатлум зарарланганларда юқори самара кўрсатган. Бундан ташқари, ESET компанияси антивируси рақобатчилари орасида кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижага эришгани учун "Иш тезлиги 2011" номинациясига ҳам сазовор бўлди.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди**

# 4G-тармоқ стандартлари тасдиқланди

Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ) ўтган ҳафта Женевда бўлиб ўтган ассамблеяси доирасида иккита янги 4G-тармоқ стандарти — LTE-Advanced ҳамда WirelessMAN-Advancedни тасдиқлади. Бу қарор келгусида мобил алоқа ва маълумотлар узатиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши эътироф этилган.

WiMAXнинг иккинчи авлоди сифатида қаралаётган WirelessMAN-Advanced кенг оммалашига ишонич қийин, бироқ Long Term Evolution (LTE)нинг энг такомиллашган кўриниши — LTE-Advanced мобил алоқа бозорида анчагина ўзгаришларга сабаб бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳозир аксарият операторлар 4G-тармоқни LTEнинг мазкур шакли асосида қуришга киришиб кетган.


ХЭИ икки янги стандарт ва уларнинг таснифини IMT-Advanced ёки 4G тармоқ стандарти сифатида

стандартлаштирди. Аввалига 4G 3G-тармоқнинг давомчиси дея кўрилатган, ammo кейинчалик маълум бўлишича, у бутунлай бошқача сифатга эга ечим бўлиб, назарий жиҳатдан мобил тармоқда мижозга махсус қурилмадан фойдаланганда 1 Гбит/сониягача, оммавий қурилмалардан фойдаланганда эса 100 Мбит/сониягача тезликни тақдим эта олади.

ХЭИ маълум қилишича, жорий йилдан биринчи IMT-Advanced тармоқлари тижорий фойдаланишга топширилади. Албатта, улар даст-

лабки босқичда мижозга симли интернетдаги каби юқори тезликни таъминлай олмаслиги мумкин, бироқ сифат кўрсаткичлари бунга жуда-жуда яқин.

Расман 4G-стандарт мақомига эга бўлиш учун симсиз технологиялар максимал 1 Гбит/сония тезликка чиқа олиши керак. Мобил тармоқларда ишлаганда эса бу 100 Мбит/сония дегани. Бундан ташқари, технология IP-манзилларни кўрсатиши ва 4G, 3G ҳамда Wi-Fi тармоқлариаро ишлай олиши шарт.



## CISCO: Аҳоли трафиғи ошади

Хар йили мунтазам ўтказиб борилаётган Cisco Visual Networking Index: Forecast and Methodology 2010-2015 тадқиқотларига кўра, 2015 йилда фойдаланилаётган глобал интернет-трафик 2011 йилдагига қараганда қарий икки ярим бараварга ошиб, ойига 78,6 экзбайтни ташкил этади. Ҳисобот даврида ўртача йиллик ўсиш 23,5 фоизга етади.

Яқин тўрт йилда трафикнинг ўсиб кетиши асосан интернетда видеофайллари кўриш кўпайиши билан изоҳланмоқда. 2010 йил ниҳоясига келиб онлайн-видео истеъмолчилари сони 1 млрддан ошган. Интернет-видеотрафик 2011 йили илк маротаба P2P-тармоқлар трафиғидан ўзиб кетди, 2015 йилда видеотрафикнинг интернетдаги улуши 57 фоизгача етиши тахмин қилинапти.

Хонадонлар учун кенг полосали интернет (КПИ)нинг татбиқ этилиши (хонадонлар учун КПИ ўсиш суръати корпоратив КПИдан юқори), маълумотлар узатиш тезлигининг ўсиши, истеъмолчилар талаблари, қолаверса, иш берувчи-ишчи муносабатларининг ўзгараётгани (уйда ишлаш ёки иш жойида ходимларнинг ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиши ва ҳк.) каби омиллар яқин тўрт йилда "фойдаланувчилар" трафиғининг бизнес-трафиғига қараганда юқори мавқега эгаллашига замин ҳозирлайди.

2011 йили умумий трафиғда аҳолининг улуши 83 фоиз (корпоратив — 17 фоиз)ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 87 фоизгача кўтарилиши кутуляпти.

## AT-хабарлар



Жорий йил апрелдан Sony корпорацияси бошқарувини Playstation бўлимида ишлаб келган 51 ёшли Кацуо Хираи ўз қўлига олади. Собиқ раҳбар Говард Стрингер пенсия ёшида бўлгани боис анчадан буён Sonyни тарқатиш ҳаракатида юрган.

Хираига осон бўлмаслиги аниқ, чунки тўрт йилдирки, компания фақат зарар билан ишляпти, акциялар қиймати 20 йиллик минимумга тушиб кетган, бунинг устига январ ойида Sony кредит рейтинги пасайтирилди.



БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Юрий Федотов Давосдаги глобал муаммолар мавзусидаги йиғилишда кибержиноятчилик борасида умумсайёравий тадқиқот ўтказишлини маълум қилди. Унинг айтишича, бу борадаги мавжуд аҳвол, қонунчилик, ҳамкорлик барча мамлакатлар миқёсида назоратдан ўтказилади.

БМТ бошқармаси маълумотларига кўра, ҳар йили ҳаёнда 1,5 миллиондан ортиқ кишининг шахсий маълумотлари интернет орқали ўғирланмоқда. Бундай жиноий фаолиятнинг иккисодий зарари 1 млрд. АКШ долларида баҳолаётипти.



Symantec компанияси Android амалиёт тизимидан фойдаланувчиларга қарши йўналтирилган энг катта зарар келтирувчи иловани аниқлади. Symantec ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозиргача 5 млн.дан ортиқ фойдаланувчи Google Android Marketдан ўз мобил қурилмаларига мазкур зарарли иловани кўчириб олган.

Android.Counterclock номи берилган зарарли код турли ишлаб чиқарувчиларнинг 13дан ортиқ ишланмаларига жойлашиб олган.



Шимолви Кореяда давлат раҳбари Ким Чен Ир вафот этгандан сўнг 100 кунлик мотам эълон қилинганди. Британиянинг The Telegraph нашри хабар тарқатишича, мамлакат ҳукумати мазкур вақт оралиғида Хитойга чиқиб кетишга уринганлар ва мобил телефондан фойдаланганлар "ҳарбий жиноятчилар" сифатида жазоланади, дея огоҳлантирган.

Нашр маълум қилишича, мазкур ёпиқ мамлакатда озиқ-овқат захиралари яна тугаб борапти ва Хитойга қочиб кетишга уринишлар кўпаймоқда.

Одатда Хитойга эсон-омон етиб олганлар Жанубий Кореядан бошпана топиши ороу қилишади.



Литва Марказий банки киберҳужумга учради. Банкнинг маълум қилишича, аввалига мутахассислар ҳужумни банк сайтини ишдан чиқаришга уриниш сифатида қабул қилишган, ammo кейинчалик ҳақерларнинг мақсоди профессионал фойдаланишдаги банк ички сервисларида қаратилгани аниқланди. Ҳужум оқибатида ҳеч қандай моливий ахборотга зарар етмагани айтилмоқда.

Киберҳужум Канада, Хитой, Россия, Швейцария, Украина ва АКШ хостларидан уюштирилгани маълум қилинган.



(Давоми.Бошланиши 1-бетда.)

**Давлат органлари веб-сайтлари**

Миллий www.uz кидирув тизимига мурожаат қиламиз. UZ домен ҳудудда 11та вазирлик, 11та давлат қўмитаси, еттидан турли агентлик, инспекция ва марказлар, шунингдек, ҳокимиятлар ва яна бир қатор давлат органлари расмий веб-сайтлари ишлаяпти. Давлат солиқ қўмитаси (soliq.uz), Электрон ҳисобот (e-hisobot.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Хукумат портали (gov.uz) сайтлари кулик ташрифлар (хостлар) ва уни саҳифалаш (хитлар) кўрсаткичи бўйича давлат органлари сайтлари орасида етакчи учликни банд этиб турибди (3233-109735; 3138-158624; 2488-10980). Бу уч сайт UZ домени умумий рейтингда мувофиқ равишда 41, 42 ва 51-поғоналарда жойлашган (2012 йил 31 январ).

Умумий рейтинг етакчи ўлигидан Uz-kino.com, Torg.uz, OLAM.uz, Lyrics.UZ, Mover.uz, TAS-IX.NET, NNM.uz, UFF.UZ, MyTube, Uz-Translations каби сайтлар ўрин олган. Буларнинг нақ еттиса медиаконтентга асосланган кўнгилочар сайтлар, қолганлари футбол, тил ўрганиш, олдидотди йўналишларидадир. Эътиборли томони, уларга бир кунда ўртача 8 мингдан 17 мингтагача интернет фойдаланувчиси ташриф буюради.

Сайтларни ўрганиш давомида миллий интернет сегментида ўзимиз учун ҳали маълум бўлмаган кирраларни кашф этиб, баъзи бир анъаналар шаклланишига ҳам гувоҳ бўдик.

**Ҳаммаси остонадан бошланади**

Оддий интернет фойдаланувчилари учун савол: сиз маълум бир мавзунини топиш учун қайси усуддан фойдаланасиз — интернет-қидирув тизими (Google, Yandex ва ҳк.)га мурожаат қиласизми ёки бир йўла браузернинг интернет манзили (URL-адрес) кўрсатиладиган жойга Apple.com, Microsoft.com сингари тегишли манзилни киритиб тезкор фойдаланиши маъқул кўрасизми? Бизнинг га, ўзининг, вақтию нақдининг қадрига етадиганлар иккинчи йўлни танлашади. Айниқса, гап муайян муассаса, ташкилот ва оддий фойдаланувчи ҳақида бораётганда бу жуда муҳим. Домен номини танлашда ёзилмаган бир "олтин қонда" бор: ном қисқа ва тушунарли бўлиши шарт. Хорижнинг исталган номдор компаниялари сайтга кирсангиз бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. "Анъана"лар биринчи галда аксарият вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа идоралар расмий веб-сайтлари номланиши ва уларнинг бош саҳифаси рус тилида очирилишида намоён бўлади: www.minzdrav.uz, www.mf.uz, www.minjust.uz, www.gki.uz ва бошқа-бошқалар (бу масалани газетамизнинг 2010 йил 19 февралдаги 8-сонида ҳам ёритганмиз). Назаримизда, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (agro.uz), Давлат солиқ қўмитаси (soliq.uz), Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (standart.uz) веб-манзиллари фойдаланувчилар учун қулайлик туғдиради. Албатта, бу борада ҳар бир мамлакатда ўзига хос тажриба

тўпланган. Масалан, Россия ва Озарбайжонни олиб кўрайлик. Россия давлат органлари сайтлари ташкилотларнинг номлари қисқартмасига асосланган (mvd.ru, mid.ru, minzdravsoc.ru ва ҳк.) бўлиб, бош саҳифаси рус тилида очилса, каспийортиликлар доменларини англиз ва она тилларида номлашади (mia.gov.az, mfa.gov.az, mednet.az, malliye.gov.az, milliartxiv.gov.az ва ҳк.) ва диққатга сазовор томони — уларнинг бош саҳифаси фақат озарбайжон тилида очилади.

дан, интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни амалга ошириш;

- бир томонлама ўзаро ҳамкорлик — электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;

- икки томонлама ахборотни айирбошлаш — сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (бўжуртманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта иш-

қароларнинг мурожаатлари тўғрисида)ги Қонун, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати, арива, шикоятларни тўлдирish намуналари ва бошқалар ўрин олган. Улар кўпроқ маълумот бериш хусусиятига эга. Бизнингча, муайян бир шахснинг муайян масаладаги мурожаати, талабини охиригача бажаришга йўналтирилган тақдирда, интерактивлик тўғри амалга ошади. Википедия онлайн энциклопедиясида интерактивликка шундай таъриф берилган: "Интерактивлик тизимни ташкил этиш тамоё-

# Интернетда бир кун...



Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари сайтлари бош саҳифаси давлат тилида очирилиши кишини қувонтиради. Бундан ташқари, ҳокимликлар сайтларида рус ва англиз тили саҳифалари ҳам имконият даражасида рисола келтирилган.

**Интерактивлик ва интерактив давлат хизматлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йилнинг 23 августда "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида" 181-қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан АКТдан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги Низом ва базавий интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланган.

Интерактив хизматлар куйидаги шаклларда кўрсатилади:

- умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) — тегишли ахборот тизимлари, жумла-

лаш натижаларини тақдим этиш);

- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимият веб-сайтларининг "Интерактив хизматлар" бўлимларидан виртуал қабулхона савол-жавоблар, норматив ҳужжатлар, грантлар, тендерлар, "Фу-



или бўлиб, муайян мақсадга шу тизим элементлари ахборот алмашуви орқали эришилади". Оддийроқ айтганда, масалан, мобил телефон орқали маълум бир сайтга кириб, қандайдир дастур ёки ўйинни телефонга юклаб олиш ҳам назаримизда интерактивликнинг бир кўринишидир. Яъни, виртуал восита орқали реал мақсадга эришилади.

Ўқорида UZ домени етакчилари бежизга санаб ўтилмади. Нега ҳар кунинг кўп фойдаланувчилар бу сайтларга ташриф буюришади? Балки уларнинг ютуғи айнан интерактивлик хусусиятидадир. Масалан, Torg.uzга кирган киши қайсидир маънода ўзи истаган маҳсулотни айнан шу онлайн муҳитда кидириб топаётгандир, Mover.uz, MyTube медиасайтлари улар бошқа жойда топа олмаган контентни тақдим этаётгандир. Бу масаланинг бир томони, албатта. Балки бу сайтларнинг оммавийлиги уларнинг кўнгилочар йўналишида бўлгандир. Негаки, хозирча, сир эмас, қўпчилик интернетни кўнгилочар восита деб билади. Аммо шуниси ҳақиқатки, бу сайтлар мунтазам янгиланиб, дизайн ва бошқа кўрсаткичлар борасида такомиллашиб борапти.

Баъзи бир давлат органлари сайтлари ҳақида сўз борар экан, бундай дейиш қийин. Дейлик, бирон-бир идора сайтидан ўзингизни қизиқтирган саволга жавоб ҳам олдингиз. Лекин, барибир масалани тугал ҳал қилиш учун шу идорага қадам ранжида қилишингизга тўғри келади. Айрим сайтларнинг фақат ахборот берувчи воситага айлиб қолаётганини ҳам таъкидладик. Аммо шунисиям борки, ахборотлар мунтазам янгиланиб бораётганини уларнинг ҳаммасида ҳам кузатмайсиз. Бу мазкур ташкилотларда ахборот хизматларининг иши яхши йўлга қўйилмаган деган тасаввур уйғотади.

Давлат салоҳияти замонвий ахборот тизимининг шаклланиши даражаси билан ўлчанадиган замонда яшаймиз. Интернет маконини битта мақолада, битта кузатишда қамраб олиш қийин масала. Зеро, у бетиним ривожланиб, кенгайиб бораверади. Энг муҳими, бугун бир қарашда арзимасдек туюлган, кичик бир муаммо эртага тараққиёт йўлимизда тўсиқ бўлиши мумкинлигини унутмасак бўлгани.

Собит АХАДОВ, "Xabar" муҳбири


**Дунё бўйлаб**

● 2012 йили интернетга уланган қурилмалар сони 17 миллиардга етиши кутиляпти.

● Интернетга бир кунда ўртача 1 319 872 109 киши қиради.

● Жами интернетни 200 миллионга Blu-Ray дискка жойлаш мумкин.

● Ҳар кунини йўлланаётган 247 миллиард электрон хат (e-mail)нинг 81 фоизи — спам.





## Изучается книга Президента

26 января 2012 года в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялся семинар, посвященный вопросам изучения и разъяснения сути и содержания книги Президента Ислама Каримова "Узбекистан на пороге достижения независимости".



В ней приняли участие руководители, специалисты отделов УзАСИ, Государственной комиссии по радиочастотам и Фонда развития информационно-коммуникационных технологий.

В ходе семинара особо отмечалось, что в этой книге главы государства собраны достоверные сведения о событиях, связанных с достижением нашей страной независимости, в частности, о проявленных Президентом Исламом Каримовым, отваге и мужестве на пути ее обретения.

"В данной книге аргументировано и на основе жизненных примеров раскрыт сложный процесс достижения нашей страной и народом национальной независимости, суть и значение проводимой глубоко продуманной, мудрой и

дальновидной политики Президента Ислама Каримова на пути построения демократического государства", говорит кандидат наук, заведующий кафедрой философии Ташкентского университета информационных технологий Г. Туленова.

На мероприятии отмечена необходимость глубокого исследования этой исторически значимой книги с точки зрения расширения мировоззрения и мышления наших соотечественников, изучения ее в неразрывной связи с предложенной Президентом Концепцией дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране.

Аси.uz

## Компьютерная грамотность — требование времени

В целях повышения эффективности использования в органах государственного и хозяйственного управления государственной власти на местах компьютерной техники и информационно-коммуникационных технологий, оценки квалификации и навыков работников на соответствие требованиям минимальному уровню компьютерной грамотности Кабинет Министров Республики Узбекистан принял постановление, которым утверждены Государственные требования к повышению квалификации работников государственных и хозяйственных органов.

В Хорезмской области практическую помощь желающим повысить свою компьютерную грамотность оказывает созданное про областном информационно-библиотечном центре общество с ограниченной ответственностью "Ёш дастурчи-Ургенч". Рассказывает его руководитель Кахраман Рузметов.

Основной нашей задачей является подготовка и поддержка молодых программистов, разработка различных компьютерных программ. Одновременно мы открыли курсы по обучению всех желающих правилам использования в работе компьютерной техники и информационно-коммуникационных технологий. Для этого мы располагаем всеми возможностями — учебным классом, компьютерами, оргтехникой, квалифицированными специалистами.

Обучение строится по специальной программе, которая предусматривает общеобразовательный уровень подготовки для работы на персональном компьютере, в сети интернет, локальной и корпоративной сетях, а также навыкам пользования электронной почтой и электронной цифровой подписью, оргтехникой.

Вместе с тем имеются отраслевые учебные программы, которые разработаны для работников предприятий и организаций с учетом их особенностей и специфики.

Повышение компьютерной грамотности — требование времени. Сегодня невозможно представить развитие современного производства, экономики, социальной сферы без компьютерного обеспечения, информационно-коммуникационных технологий. Мы готовы помочь всем желающим получить знания, умение и навыки в работе по использованию компьютерной техники.

Наш корр.

## «БИЛАЙН» НАЧАЛ СОТРУДНИЧЕСТВО С РУМЫНСКИМ ORANGE

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) сообщает об очередном расширении географии международного роуминга. Договор о сотрудничестве подписан с компанией Orange (Румыния).

Комментируя событие, старший менеджер по связям с общественностью Unitel Ораз Абдуразаков сказал: "На сегодняшний день мы предлагаем абонентам "Билайн" роуминг в сетях более 400 партнеров по всему миру. При этом мы продолжаем работать не только над расширением географии роуминга, но и над предоставлением большего выбора операторов в уже охваченных странах".

## В 2 РАЗА СНИЖЕНА

СТОИМОСТЬ ИНТЕРНЕТ-ТРАФИКА В ТАРИФНОМ ПЛАНЕ "MTC VIP".

С 1 февраля 2012 года в тарифном плане "MTC VIP", который позволяет абонентам компании совершать бесплатные внутрисетевые звонки, стоимость интернет-трафика снижена с \$0,16 до \$0,08 за 1 Мб.

Напомним, что в тарифном плане "MTC VIP" исходящие звонки внутри сети "MTC-Узбекистан", а также абсолютно все входящие звонки — бесплатны. Все остальные исходящие звонки по Узбекистану тарифицируются по цене — \$0,03 за минуту, а ежедневная абонентская плата составляет всего \$0,2 в день.



## "Техносерв" обезопасил

новое здание Национальной библиотеки в Ташкенте

Компания "Техносерв" — крупнейший российский системный интегратор объявляет о завершении проекта по созданию интегрированной автоматической системы безопасности в новом здании Национальной библиотеки им. А.Навои в Ташкенте.

Национальная библиотека Узбекистана имени Алишера Навои — общегосударственное универсальное информационно-библиотечное учреждение, крупнейшее информационно-библиотечное учреждение и культурный центр республики, располагает наиболее полным собранием национальной печати и изданий зарубежных стран. Фонды библиотеки насчитывают свыше 10 млн. ед. хранения, из них более 3,5 млн. издания национальной печати. Ежегодно читальные залы библиотеки посещают более 500 тысяч пользователей, книговыдача составляет более 2 млн. экз. В 2010-2011 гг. построено новое здание библиотеки общей площадью 38 тыс. кв. м., которое включает основные производственные зоны, зоны обслуживания читателей, помещения для хранения фонда и зал для проведения международных симпозиумов на 960 мест. В новом здании предусмотрено 13 читальных залов, а также выставочный зал, музей книги, детская комната, книжный салон, киноцентр, интернет и медиацентр, кофетерий, зоны отдыха.

"Национальная библиотека с полным правом гордится собственным собранием особо ценных коллекций — свыше 200 тыс. экз. изданий с XV- XIX вв., из них свыше 16 тыс. экз. редкие и старинные журналы, рукописи, литографии, первые национальные журналы и газеты, — отметил Баходыр Саадулаевич Мусаев, первый заместитель директора дирекции по эксплуатации здания Национальной библиотеки им. А.Навои и зала симпозиумов в г. Ташкенте. — Такая беспрецедентная коллекция требует не только бережного хранения, но и серьезных мер безопасности, для чего нами совместно с одним из крупнейших системных интеграторов компаний "Техносерв" был создан в новом здании библиотеки целый комплекс современных систем, обеспечивающих безопасность фондов".

В рамках проекта "Техносерв" выполнил монтаж и ввод в эксплуатацию интегрированной автоматической системы безопасности здания и системы диспетчеризации на основе оборудования и программного обеспечения компании Honeywell.

Интегрированная автоматическая система безопасности здания включает 6 подсистем: систему видеонаблюдения, систему оповещения, систему контроля доступа, охранную сигнализацию и пожарную сигнализацию.

Британия Кутубхонасининг Овозли архивида миллиондан ортик дисклар ва 200000 тасмалар мавжуд. Коллекциялар хозиргача мавжуд мусиқа, драма ва адабиёт тарихи, 100 йилдан зиёд даврда муҳрланган ёввойи табиат овозини ўз ичига олади.

Овозли архив тармоқ каталогини <http://cadensa.bl.uk> орқали қўриш мумкин. Каталог ҳар куни янгиланиб борилади. Шунингдек, кутубхона ўқув залида тўпланган коллекциялардан ёзувларни SoundServer ва Listening and Viewing Service орқали тинглаш имконияти бор. 2006 йили кутубхона Буюк Британия учун очик бўлган 42000 соатли янги онлайн ресурс — Архиви Овозли рўйхатни ишга туширди.

Британия Кутубхонасининг Газета бўлими Шимолий Лондондаги Колин-

дейлда жойлашган. Бу ерда 1840 йилдан бери чоп этилган британ ва ирланд газеталарининг деярли тўлиқ коллекцияси мавжуд. Лондонда 1801 йилдан бери нашр этилган кунлик ва яқшанбалик газеталар Британия Кутубхонасида сақланади. Барча коллекциялар 660000 томни ва 370000 микрофилмларни, 52000 номдаги тўққиз миллион газетани ташкил этади. Бундан ташқари, секцияларда латин ва кириллчандаги Британияга тааллуқли бўлмаган газеталарнинг кенг ҳажмдаги тўпламлари бор.

Британия Кутубхонасининг Филателия коллекцияси Буюк Британия Миллий филателия коллекцияси ҳисобланади. Коллекцияга 1891 йили Топлинг коллекцияси ҳада қилиниши билан асос солинган.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ  
тайёрлади

### Кутубхона тарихидан

■ **1900 йил** — англиялик тадқиқотчи Марк Орел Стайн Хитой ғарбидаги қорлардан бирида "Олмос сурталар"нинг бир нусхасини топди. Топилма Британия Кутубхонасига келтирилди. Маълум вақтлардан сўнг китоб ғойиб бўлди...

■ **1933 йил** — совет ҳукуматидан Спай Кодекснинг сақланиб қолган қисми сотиб олинди. Ҳозирда бу китоб Британия Кутубхонаси сақловхонасида.

■ **2007 йилда** кутубхона раҳбарияти 100 минг атрофидаги қадимий, асосан, 19-асрга тааллуқли китобларни рақамли шаклга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

## "Сизни йўқлар замон келди"

Ватанимиз мустақиллигининг кутлуғ 20 йиллигига бағишланган ушбу китоб "Нуроний" жамғармаси Фарғона вилоят бўлими ва Марғилон шаҳар "Нуроний" жамғармаси бўлими томонидан тайёрланиб, нашр этилди. Маъмур китоб 2007 йилда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига атаб нашр этилган "Сизни йўқлар замон келди" китобининг мантқий давомидир.

Журналист Ўқтамжон Эшонбоев томонидан ёзилган ушбу китобда Марғилон шаҳрида яшаб, ибратли ҳаёт кечирган инсонлар, ҳозирги кунларда кексалик гаштини сураётган фахрийлар ҳаёти ҳамда фаолияти тўғрисида хикоя қилинади. Саксон нафардан зиёд фахрий ҳақидаги ушбу китобда шаҳар "Нуроний" жамғармаси бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хабибулло Низомитдиновнинг "Истиқлол нуридан баҳраманд бўлиб" ва муаллифининг "Қалбим қувончи" сарлавхали мақолалари сўз боши сифатида берилган.

Китобда тажрибали алоқачи, фахрий устоз Абдувоҳид Жўрабоев, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, кўп йиллар алоқа тармоғига раҳбарлик қилган Холматжон Алиев, Ўринбой Узоқовлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди.

Мухаммаджон МАХМУДОВ

### Қизиқарли фактлар

Милуоки жамоат кутубхонаси (Milwaukee Public Library) замонавий ёшлар эътиборини китоб ўқишга қаратиш мақсадида таниқли логотиплардан фойдаланган ҳолда жуда таъсирчан-рекламалар ишлаб чиқди: "Юзингни китобга бур", "Сен ўқий оласан".



Икки қаватли мобил кутубхона голланд архитектори ва дизайнери Йорд ден Холландер томонидан лойиҳалаштирилди. Нидерландияда фаолиятини бошлаб юрган бу автобус-кутубхона икки қисмдан иборат: платформалар ва стандарт юк контейнери. Автобуснинг биринчи қаватида 7000 китобга мўлжалланган жавонлар, иккинчи қаватида эса ўқув зали ва тўртта компьютер мавжуд.

## SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

### Кўзларим хиралашяпти, бунга компьютер сабабчими?

— Мен уззу кун компьютер билан ишлайман. Илгари кўзларим яхши кўрар эди. Кейинги пайтларда эса анча хиралашиб қолди. Ҳажмасларим бунга компьютер билан боғлашяпти. Менинг эса бунга ишонгим келмаяпти. Ахир замонавий компьютерларнинг зарари кам-ку, шундай эмасми?

Шерали АХМЕДОВ,  
дастурловчи, Окқўрғон тумани

Гапингиз тўғри. Ҳақиқатан ҳам замонавий компьютерларнинг зарари анча кам. Лекин бу инсон танасининг бошқа аъзоларига тегишли, кўз учун эмас. Ҳар қандай компьютер қаршисида мунтазам ўтириш оқибатида кўз ички мушаклари толиқади ва зўриқади. Натижада кўзининг нуру синдириш қобилияти ўзгариб, кўриш қобилияти сусаяди.

Сизнинг ишингизда вақти-вақти билан компьютердан узоқлашиб, кўзлар учун муайян машқларни бажариб туришингиз керак эди. Сабаби, кўзларингиз компьютер олдида мунтазам ўтириш оқибатида хиралаша бошлаган. Сиз тезликда худудингиздаги офтальмолог-шифокорга учраб, даво муолажаларини олишни бошланг. Колаверса, қуйида тавсия қиладиган машқлар нафақат

компютерда узоқ ишловчиларга, балки кўриш қобилиятини сақловчилар ва узоқни кўришда қийналувчиларга ҳам фойдалидир.

● Ҳар бир ёки икки соатдан сўнг нигоҳларингизни бошқа томонга йўналтиринг, 5-10 дақиқа узоқ масофага тикилиб туринг.

● Кўзларингизга дам бериш учун 1-2 дақиқага юмиб ўтиринг.

● Кўз, бўйин, елка мушаклари учун махсус машқлар бажаринг.

● Иш жараёнида танаффус қилишга, албатта, эътибор беринг. Унутманг, 12-14 ёшли болаларга ҳар 45 дақиқада, 15-17 ёшдан бошлаб эса ҳар соатда танаффус қилиб туриш тавсия этилади. Танаффус вақти эса 15 дақиқадан кам бўлмаслиги лозим.

Файрат МУХАТОВ,  
шифокор



# Телефон фойдалими ёки...

Ихчамгина, қулай ва енгил матоҳ бўлган уяли телефон узокни яқин, кўнгилни хотиржам қилувчи, ҳар ердан, ҳар кимдан хабардор этгучи дастуримизга айланди.

Аммо кўп жихатдан ёшлар (ўқувчи, талабалар) тарбияси ва саломатлигига жиддий зарар етказётган, қимматли вақтини ўғирлаётган бу алоқа воситасининг ижобий ва салбий хусусиятларини бир тарозига солиб кўрайлик.

Телефоннинг фойдаси: хоҳлаган одамнинг билан, истаган вақтингда, у қаерда бўлмасин, алоқа боғлаб суҳбатлаша оласиз. Содир бўлган воқеадан огоҳ бўласиз. Кўнглингиз хотиржам бўлади. Ишингизни тезроқ ҳал қиласиз.

Зарари-чи? Аввало, телефондан чиқаётган нур инсон мия ҳужайраларига жиддий таъсир этиб, уни турли хавфли касалликларга гирифтор этади. Биламизки, мия инсоннинг энг асосий бошқарув органи ҳисобланади. Телефонни ишлатиш керак, фақат меъёрида ва зарурат пайтида. Аммо бутунги кунда телефон ўсмирларимиз ҳаётидаги муҳим воситалардан



MULOHAZA

бирига айланган. Кўча-кўйларда юрганмизда ажиб ҳолатларни кўриб, хайрон қоламиз. Йигит-қизларнинг қўлидан телефон тушмайди. Аллақандай ноқўя сўзлар билан жамоат жойларида ҳам юзсизларча гаплашиб турадилар.

Сўнги вақтларда "наушник" деган матоҳни қулоғига тақиб юриш урф бўлган. "Наушник" тақади-да, ташқи томондан келаётган овозни эшитмайди.

Бу ҳолатда кўча-кўйда юрлса, бахтсиз ходисаларга сабаб бўлиши мумкин-ку!

Вилоятлар телекўрсатувларида "СМС-ЧАТ", "Тилаклар ва табриклар бирлашган сарҳад" деб номланган танишув ойналари бор. Айланаётган "СМС"ларни кўрсангиз хайратдан ёқа ушлайсиз. Тинимсиз равишда "Танишман" деб исми, телефон рақами кўрсатилган ёзувлар чиқади. Буларнинг аксариятини ёш қиз-

лар, йигитлар ташкил қилади. Битта "СМС"нинг нархи эса фалон сўм!

Бизнинг асл ўзбек йигит-қизларига шу хосми?! Бу ўзини ўзи ерга уриш, хор қилиш эмасми? Кўпинча, бир ҳолатнинг гувоҳи бўлаемиз: фарзандлар ота-онасидан телефони "мода"дан қолганлиги туфайли, янги русумдаги телефон олиб беришни талаб қилишади. Баъзи ота-оналар эса "янгисидан бўлса, янгисиданда", деб олиб берадилар-у, оқибатини ўйламайдилар. Ахир телефон болага нима учун керак? "Мен мактабдаман, мана бу вақтда дарсдан чиқаман", "Мен уйдаман ёки дўконга чиққандим", дейиш учун керак, холос. Бунга телефоннинг нима алоқаси бор? Аслида, авваллари телефонсиз ҳам ҳаёт бир текисда ўтган-ку?

Тўғри, ҳозир техника асри, техника имкониятлари чексиз. Телефондан фойдаланиш керак. Аммо меъёри нутумаслик лозим. Аввало, ўзингиз ва фарзандларингизнинг саломатлигини асранг!

Бекзод НАЗАРОВ  
Қашқадарё вилояти

## КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИДА СТАНДАРТЛАШТИРИШ

Инсон фаолиятининг исталган соҳасида стандартлаштиришнинг ўрни қанчалик муҳимлигини таъкидлашга ўрин йўқ.

Бу ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва шаклланган кутубхоначилик иши соҳасига айниқса тааллуқлидир. Ахборот-кутубхона фаолияти бошқарувининг аниқлиги ва самарадорлиги, фойдаланувчилар манфаатларининг химоя қилиниши, яратилган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг тезкорлиги ва сифати стандартлар талабига риоя қилинишига боғлиқдир.


Жумладан, Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази маъмурияти томонидан 2012 йил бошидан АКМ ходимлари малакасини ошириш мақсадида "Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими" мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Унда ҳафтанинг ҳар сешанба куни барча АКМнинг жами 40 нафар ходими иштирок этиб келмоқда.

Ўқув-машгулотда "Нашрлар, муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш белгиси, умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари", "Электрон нашрлар. Асосий турлари ва чиқувчи маълумотлар", "Библиографик ёзув ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон кўринишидаги библиографик тавсифи. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари", "Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография. Атамалар ва таърифлар", "Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф, умумий талаблар ва тузиш қоидалари" каби мавзулар батафсил ёритилиб борилмоқда.

Малака ошириш ўқув семинарини АКМ директор ўринбосари Н. Огнева, АКМ мутахассис ходимлари Р. Амиров, Ш. Худойбердиева, М. Шертаева, М. Хайитбоевалар олиб боришмоқда.

Ушбу мавзу бўйича вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган АРМлар учун ҳам I ва II-чорак давомида ўқув семинарлар ўтказиш кўзда тутилган.

Махбуба КУЛОВА,  
АКМ бўлим мудири



## Чуқур билим, юқори малака

Мамлакатимизда барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу меҳнат бозорида мазкур соҳа мутахассисларига бўлган талабни тобора оширмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университети Карши филиалида 594 талаба ахборот технологиялари, телекоммуникация, ахборот сервис ва касб таълими йўналишларида таҳсил олмоқда. Филналда талабаларнинг замон талаблари асосида чуқур билим олиши учун барча шароит яратилган. Ўқув-лаборатория ва компьютер хоналари, масофадан ўқитиш ҳамда видеоконференция ўтказиш заллари ёшлар ихтиёрида. "Ёш дастурчилар", "Ёш web-дизайнерлар", "Ёш радиочилар" тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда.

Суратларда: Тошкент ахборот технологиялари университети Карши филиали талабалари.

ЎЗА

### Факт

Интернетдан фойдаланувчилар сони дунё бўйича икки миллиардга етади. Шунга қарамасдан, жаҳоннинг 80 фоиз аҳолиси интернетдан умуман фойдаланмайди.



### КУТИЛАЁТГАН ИННОВАЦИЯЛАР

IBM компанияси яқин беш йилда энг кўп қутилаётган бешта инновациянинг йиллик рўyxатини тузиб чиқди.

Компания хабариди айтилишича, биринчиси "зангори" энергетика билан боғлиқ: энергия инсоннинг ҳаёт фаолиятдан, масалан, тана ҳаракатдан олинади. Иккинчи инновация: турли ресурсларга улашиш парол биометрик сканерлашга алмашади. Учинчи инновация — "фикрни ўқиш" бўлиб, одам мияси билан бевосита гаджет алоқаси. Тўртинчи прогноз: энг чекка ҳудудларда тарқатилган хизматлар ва маълумотларга улашиш учун мобил ечимлар. Ниҳоят, яқин йилда энг қутилаётган инновация тахлили технологияларни оптималлаштириш билан боғлиқ, натижада инсон ўзига фақат қизиқ ва ёқимли маълумотга эга бўлади.

Бешта инновация қатори IBM 3D-проекцияли мобил қурилма, иссиқлик ва энергия рециркуляциясини яхшилаш, адаптив транспорт тармоғи, аккумулятор батареялар, захарланган ҳаво, шунингдек, теварак-атроф ҳақида доимий маълумот тўплаш сингари инновацияларни ҳам ўз рўyxати-га киритган.



## FIDOYLARIMIZ

## Монтёрдан чиққан муҳандис

Аббосхон Фарғона политехника институтини тугаллаган йилдан буён "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламасида турли лавозимларда ишлаб келмоқда. Шаҳар телефон тармоқлари станцияси бошлиғи вазифини ҳам ишлади. Ун икки йилки, 22 ва 27-АТСлар бошлиғи. Соҳанинг қайси жабҳасига қўйишмасин виждонан, ҳалол ишлаши билан жамоа ва раҳбарият эътиборини қозонди.

— Соҳага қаттиқ қизиққанамдан ҳар қандай қийинчиликларига парво қилмай ишлайдим, — дейди Аббосхон ака. — Монтёрликдан иш бошладим. Бу кичкина вазифа ҳисоблангани билан масъулияти жуда катта касбни тез фурсатларда эгалладим. Монтёрлик мактабини ўтамаган муҳандис бўлмайди, деганларича бор экан. Шаҳримиз ҳудудлари, маҳаллалардаги шарт-шароитлар, аҳоли билан муомала маданияти нима — тушуниб етдим. Омадим чопиб шу касбни танлабман, Сайфин Абляимов ва Муҳаммаджон акалар каби ажойиб устоз-

мураббийлар қўлида тарбия топдим. Ўтган умрим мобайнида соҳамизда қандай модернизациялаш ишлари амалга оширилган бўлса, барчасида сидқидилдан иштирок этиб, соҳа ривожига ҳисса қўшиб келаётганим билан фахрланаман.

Дарҳақиқат, кўплаб ишчи-муҳандислар каби Аббосхон ақанинг кунларни тунларга улаб, ҳаловатлардан кечиб ишлаган пайтлари кўп бўлган. Устоз алоқачи ўзи каби талабчан шогирдлари етиштиргани билан ҳам ғурурланади. Рўздатжон Назаров, Аҳмаджон Турғунов, Сармонали Усмонов, Умиджон Аҳмаджонов ана шундай устоздан ўтган шогирдлардир.

Астойдил қилган меҳнатлари мукофоти бўлса керакки, уни шу кунларга етказди. Соҳада юз бераётган мислсиз ўзгаришлардан хайратланади. Бугунги ҳур Ватанимизнинг навқирон авлодига ҳавасланиб қарайди. Улар орасида ҳаётдан муносиб ўрин топанга ва топаетган дилбандлари борлиги учун шукроналар айтади. Турмуш ўртоғи Муқаддасхон билан уч нафар фарзандни камолга ет-

каздилар. Ҳаммасининг қўлларида гулдек ҳунарлари бор. Эл-юрт ишига камарбаста бўлиб танилишган. Олти нафар невара — эртанги кун умид ғунчалари. Уларнинг қушовида қолганда "Қанчалар бой одамман-а", деган хушнудлик оғушида қолади.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, — дейди суҳбатимиз якунида Аббосхон ака. — Фаҳрийликнинг осойишта, сўлим кунларига етказганига шукр. ТАТУни, коллежларни битириб келиб сафимизга қўшилган ўтюрәк ёшлар биз бошлаган эзгу ишларни шараф билан давом эттиришади, деган умиддаман. Аминманки, улар биз устозлар ишончини албатта оқлайдилар.

Муборак 60 ёшини нишонлаётган Аббосхон Агзамовга зиёда умр, фарзандлар икболни қўришликни тилаймиз.

Хусанбой АБДУРАҲИМОВ,  
"Ўзбектелеком" АК  
Фарғона филиали касоба  
уюшмаси қўмитаси раиси

Оролбўйида замонавий ахборот технологиялари асосида Uzonline — Ягона ойна алоқа хизматлари йўлга қўйилди.

Бу ерда телекоммуникация тармоғи фаолиятини яхшилаш, соҳага янги технологияларни жорий этиш ва алоқа инфратузилмасини такомиллаштиришга

## Лойиҳа самараси

йўналтирилган истикболли лойиҳа амалга оширилади. Унга қўра, шаҳар ва туман марказларида рақамли телекоммуникация тизими кенг жорий этилиб, оптик толали алоқа линиялари орқали юқори тезликда сўзлашув ва ахборот узатиш, қабул қилиш имкониятлари яратилмоқда.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси филиалига қарашли Беруний тумани телекоммуникациялар боғламасида очилган Uzonline хизматларининг савдо офиси орқали мижозлар ана шундай қулай имкониятга эга бўлди. Уларга халқаро андозаларга мос телефон алоқаси, интернет, факс, CDMA стандартдаги мобил алоқа хизматлари кўрсатилмоқда.

— Юқори сифат ва тезликдаги интернет тармоғидан бугунги кунда кўплаб абонентлар фойдаланмоқда, — дейди туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Эгамберган Абдуллаев. — Янги хизмат турларидан фойдаланувчилар ҳам маблағни, ҳам вақтни тежамолар.

Яқин кунларда Нукус шаҳри, Эллиқалъа, Амурдарё ва Хўжайли туманларида ҳам Ягона ойна хизматларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

ЎЗА

## Олтмиш биринчи хотин

Мана, бугун ҳам рус гўзали уч нафар коп-қора ўғиллари билан Тюмен шаҳри кўчалари бўйлаб сайр қилмоқда. Барча шаҳарликларнинг нигоҳи уларда. Бу улкан тарихий шаҳарга Кавказдан, Ўрта Осиё республикаларидан, Хитойдан жуда кўп тижоратчилар келиб туришади. Улар ҳам бири-бирига ўхшаш — уч нафар лаблари қалин, тишлари садаф, сочлари қўзичоқникидек

жингалак, шokolад рангидаги шўх болаларни ҳавас билан кузатишади. Асосий тафсилотга ўтамиз. Офатижон Тамара бўлажак қайлиғи билан Новосибирск университетидеда учрашади. Улар бир факултетда тахсил олишади. Ўқишлар тугани арафасида қора танли ошқ Тамарага уйланишга қарор қилди. У ҳам, ўз навбатида, бу таклифни бажонидил қабул қилди. Сабаби, ўқиб даврида у Тамарага Дездемонани севган Отелло даражасида фидойилик қилди. Бирга ўқиган талаба қизлар бу ҳушомаду совға-саломларни кўриб, хасаддан ёрилгудек бўлишганди.

Кўп ўтмай самолёт уларни узок Африкага етказди. Сўнгра шоҳона тўй бўлди. Бахтиёр ёшлар асал ойида бутун Африка мамлакатларини айланиб келишди.

Тасодифан Тамара янгиликни эшитиб донг қотиб қолди. Севимли эри Кейонинг хотинлари бор экан. Рус гўзали бу хонадонда олтиш биринчи эмиш. Тамарага каттакон ҳовлининг четидан ҳамма қулайликларга эга бир хона ажратиб беришди. Лекин бу ерда Тамаранинг тушига кирмаган хизматлар бор эди. У энг кичик келин бўлганлиги учун ҳар куни қайноқасининг оёғини ювиши шарт эди. Отаҳон каттакон юмшоқ креслога чиқиб ўтириб, чилим чекарди. Тамара эса меҳр-муҳаббат билан томирлари бўртиб чиққан, гўшти суякка ёпишиб кетган оёқларини момик қўллари билан обдон юварди. Не қилсин, қисматда. Яна бир "хуш-

бар"ни эшитиб, у ўзидан кетиб қолди. "Отелло"сининг 48 фарзанди бор экан. Муҳаббат шайдоиси эса рус гўзалининг ҳузурига умуман келмай қўйди. Сувга чўккандай ғойиб бўлди.

Ўз навбатида, Тамара ниҳоят бойиб кетди. Нима хоҳласа ҳаммасига қўли етади. Қимматбаҳо тақинчоқлар, кий-

## TURMUSH CHORRAHALARIDA

им-кечаклар, совға-саломлар истаганча. Ҳеч нарсдан камчилик йўқ. Олтин, кумуш, платина, зумрад-биллурлар, қимматбаҳо тошлар савати билан товланиб турибди. Лекин атрофида ҳеч ким йўқ, ёлғиз. Кўпинча у бир ўзи, сахро бағрида барпо этилган улкан ҳовли ёнида сайр қилиб юради. Бир қарашда бу ер хайвонот боғига ҳам ўхшаб кетади. Хайвону қушларнинг юзлаб тури бор. Илонларни айтмайсизми, оёқ тагидан вишиллаб ўтиб қолишади. Илонлар хатто одам яшайдиган хоналарга ҳам кириб келишаверади.

Бир куни Тамара тунда чинкириб уйғониб кетди. Унинг бўйнига қараб кўзойнакли илон ўрмаларди. Тамарани тўлғоқ тутта бошлади. Уни зудлик билан ҳовли чеккасидаги ертўлага олиб тушишди. Бу ер катта оилага мўлжалланган туғруқхона экан. Шу ерда у ўғил кўрди, бу биринчи фарзанд эди. Эрта тонгда қайнота келинни ўғил билан муборакбод этиб, уни совғасаломга кўмиб ташлади. Икки кундан сўнг Тамара яна қайнота оёғини ювишдек вазифани сидқидил давом эттираверди. Бу вазифа ҳам ҳаммага насиб этавермас экан. Қайнота назарига тушган келингина бундай илтифотга лойиқ бўларкан. Поёни йўқ каттакон ҳовлидаги бошқа келинлар зиммасига идиш ювиш, кир ювиш, таомлар пишириш, маймунлар гўштини ўтга тоблаш каби юмушлар тушаркан.

Шамоал бўлса учиб кетадиган кекса қайнотанинг "хурмача" қилиқлари ҳам бор эди. Деярли ҳар куни келинларини

навбати билан чақириб ўзининг севимли эчкимарини кўкрак сути билан боқишга мажбур қиларди. Тамара эса бундай "улоқ"дан бекиниб, ўғилчасини кучоқлаганча жим ўтираверарди. У ўзининг тимқора ўғли Хейбога рус ўрмонлари, оппоқ қорлари ҳақида соғинч билан сўзлаб беради.

Ниҳоят, Тамаранинг ўғли беш ёшга тўлди. Худди шу куни кочоқ куёв хандон уриб уйга кириб келди. У атиги бир кеча тунаб қолди. Шу тундаёқ Тамара яна хомиладор бўлганди. Бир неча кундан сўнг қутилмаган воқеа юз берди. Қайнота ҳузурига қандайдир масалалар бўйича Россия элчихонасининг ходими келиб қолди. Синчков элчи Тамарага бир қарашдаёқ унинг иложсиз, тутқун ҳаётини сездди. Имо-ишора билан учрашиш кераклигини англади. Умидли кунларнинг бирида Сибир гўзали Тамара икки нафар жингалак сочли ўғиллари билан яшаб турган ҳовлисидан қочиб кетди. Анча ҳужжат маш-машалардан сўнг у ўз ватанига қайтди.

Тамаранинг ота-онаси ўз кизини зўрга таниди. Етти йил ичидеда ориқлаб, қариб қолган эди. Атиги ўттиз ёшда шу холига келиш дахшат эди, албатта. Қизини шундаки у яна хомиладор эди. Учинчи ўғил Тюменда туғилди. У ҳам акаларига ўхшаб тимқора жингалак сочли. Унга Миша деб исм қўйишди. Уч ўғилнинг отаси Кейо олтиш биринчи хотинининг қочиб кетишидан ранжимати. У жуда самимий мактуб йўллади: "Тамара, жоним, уйимизга қайтинг, аниқ тартибли ҳисоб бўйича иккинчи хотиним бўласиз. Ўзим яшаб турган гўзал айвон рўпарасидан энг чиройли хонани ажратиб бераман. Мени доим кўриб туриш имкониятига эга бўласиз".

Кейо фарзандлари тарбияси учун катта миқдорда маблағлар жўнатганди.

Русчадан Пўлат ХАМДАМ  
таржимаси

## Факт

50 миллион кишилик аудиторияга эга бўлиш учун радиого 38 йил, телевидениега 3 йил керак бўлган бўлса, интернет 4 йилда бу ишни уддалади.

## Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи ходими Баҳромжон МАХМУДОВНИ 60 ёши ҳамда Олтириқ почта алоқаси тармоғи ходими Абдулҳаким АЗИМОВНИ 50 ёши билан самимий муборакбод этади. Уларга соғлиқ-омонлик, узок умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Бешариқ телекоммуникациялар боғламаси ходими Холмуроджон ЭГАМБЕРДИЕВНИ 50-баҳори билан чин дилдан табриклайди. Унга мустахкам саломатлик, узок умр, фарзандлар бахти-икболини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Эллиқалъа тумани телекоммуникациялар боғламаси ҳамда касоба уюшмаси қўмитаси жамоаси боғлама электромонтёри Ибодуллат МАТЮСУПОВНИ муборак 60 ёши билан табриклайди. Унга узок умр, фарзандлари роҳатини кўришликни тилайди.



Кураш

# Дунё полвонлари Грецияда беллашди

Грециянинг Салоники шаҳрида Кураш халқаро ассоциацияси мусобақалари тақвимига кирувчи 2012 йилнинг дастлабки нуфузли мусобақаси — "Ислон Каримов" VIII халқаро турнири бўлиб ўтди. 2004 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу халқаро турнирда бу йил дунёнинг йигирма мамлакатидан юз нафардан зиёд сара полвонлар ғолиблик учун беллашди.

Хар бир мамлакат, хар бир миллатнинг ўзига хос миллий спорт ўйинлари бор. Халқимизнинг уч ярим минг йиллик тарихга эга миллий кадриятларидан бўлган кураш Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан бугун жаҳон узра жадал ривожланаётган замонавий халқаро спорт турига айланди.

Олимпия ўйинлари ватани — Грецияда ўтган "Ислон Каримов" VIII халқаро турнири кескин ва мурасиз беллашувларга бой бўлди. Курашнинг Евро-



пада жадал оммалашшига хизмат қилаётган мазкур турнирда полвонлар мутлақ вази тоифасида беллашди.

Мусобақада грециялик Василиос Илиадис шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. Иккинчи ўрин мезбонлардан Дионисис Илиадисга насиб этди. Грузиялик Георгий

Иядзе ва болгариялик Иван Илиев бронза медал билан тақдирланди.

Кураш халқаро ассоциацияси 2012 йилги мусобақалари тақвимида яна йигирмага яқин китба ва жаҳон миқёсидаги нуфузли спорт анжуманлари, тадбирлар ва мусобақалар жой олган.

Футзал

## ФУТЗАЛ ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ИСПАНИЯГА БОРАДИ

3 феврал куни футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси БААда ўтказиладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўриш учун Испанияга учиб кетади.

Ўзбекистон футзал терма жамоаси 17 февралга қадар Испанияда ўқув-машғулот йиғинини ўтказди. Йиғин доирасида Хосе Мария Мендес шогирдлари Мадрид ва Барселона шаҳри клубларига қарши еттига ўртоклик учрашувида майдонга тушишлари режалаштирилган.

Ўзбекистон терма жамоаси делегацияси 21 нафар шахсдан иборат бўлади. БААда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати 14-27 майда Дубай шаҳрида бўлиб ўтади.

## "АРДУС" — МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ!

Тошкентнинг "Ардус" жамоаси мини-футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионатининг якунланишига бир тур қолганда мuddатидан олдин чемпионликка эришди.

"Ардус" футболчилари чемпионатнинг ўн тўққиз учрашувидан фақат биттасида дуранг ўйнади, қолган барча баҳсларда рақиблари устидан зафар қучиб, жами 55 очко билан мuddатидан олдин олтин медални нақд қилди.

Футбол

## 5 ФЕВРАЛ: ЎЗБЕКИСТОН ОТЖ — АВСТРАЛИЯ ОТЖ

Олимпиада йўлланмаси учун курашаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 5 феврал куни пойтахтимиздаги ЖАР стадионида Австралия олимпия терма жамоасини қабул қилди. Учрашув соат 20.00да бошланиши белги-ланган.

Вадим Абрамов шогирдлари мазкур муҳим баҳсга Тошкентда тайёргарлик кўрмоқда. Бунга қадар БАА йиғинида бир қатор назорат ўйинлари ташкил этилганди.

## ЧОРАК ФИНАЛ ЖУФТЛИКЛАРИ МАЪЛУМ

Африка миллатлар кубогида гуруҳ баҳслари якунига етди. Саккизта терма жамоа китъанинг энг кучлиси бўлиш учун курашни давом эттирадиган бўлди. Улар орасида икки мезбон давлат ҳам бор. Чорак финалнинг дастлабки икки учрашуви 4 феврал, кейинги иккитаси эса 5 феврал куни бўлиб ўтади.



## АФРИКА МИЛЛАТЛАР КУБОГИ — 2012. 1/4 ФИНАЛ

Замбия — Судан. Кот-д'Ивуар — Экв. Гвинея. Габон — Мали. Гана — Тунис

Волейбол

## "Ўзбектелеком" пешқадам

Пойтахтимизда волейбол бўйича эркалар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур ўйинлари якунланди. Чемпионатда олтига энг кучли жамоа ғолиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақа қайдасига кўра, жамоалар хар бир ўйинда 3:0 ёки 3:1 ҳисобида ғалаба қозонса, уч очкога эга бўлади. Агар жамоа рақибини 3:2 ҳисобида енгса, икки очкони қўлга қиритади. Айнан шу ҳисобда ютказган жамоага эса бир очко берилади.

Мамлакатимизнинг кўп қарра чемпиони — Самарқанднинг "Ўзбектелеком" жамоаси Урганч Давлат университети ва "Динамо-Парвоз" (Наманган) вакилларини 3:0, "ОТМК" (Олмалик), Южанин (Навоий) ва "Молиячи" (Тошкент) жамоаларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 15 очко жамагарган ҳолда мусобақа пешқадамига айланди.

Навоийнинг "Южанин" жамоаси 10 очко билан иккинчи ўринни банд этган бўлса, Олмаликнинг "ОТМК" жамоаси учинчи ўринда бормоқда.

Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тури феврал ойида Самарқандда, учинчи тур ўйинлари март ойида Наманган вилоятида ўтказилади.

Теннис

## Дениснинг навбатдаги мусобақаси

Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг етакчи ракетка устаси Денис Истомин Янги Зеландияда "Челленжер" туркумига кирувчи "Burnie International" халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Мусобақанинг яққалик беллашувларида биринчи рақамда сараланган ҳамюртимиз дастлабки учрашувда мезбонлар вакили Жозе Статхемни 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Мазкур турнир Денис Истомин учун теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати — "Девис кубоги" мусобақасига тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди. Жорий йилнинг 10-12 феврал кунлари теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мазкур мусобақа доирасида сафарда Янги Зеландия теннисчилари билан куч синашади. Мамлакатимиз бош жамоаси таркибига Денис Истоминдан ташқари Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов, Сарвар Икромов ва Темур Исмоилов сингари кучли ракетка усталари ҳам жалб этилган.



Эркин кураш

## Ўзбек полвони халқаро турнир ғолиби

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида эркин кураш бўйича болалар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик курашчилар биттадан олтин ва бронза медалга сазовор бўлди.

Халқаро спорт курашлари федерацияси — FILA мусобақалари тақвимида киритилган нуфузли халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Германия, Туркия, Грузия, Латвия, Литва, Қозоғистон ва Тожикистондан 150 нафарга яқин истеъдодли ёш полвон гиламга чиқди.

58 килограмм вази тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Зокир Мансуров барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медални қўлга қиритди. Вази 46 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида курашган Аббос Раҳмонов эса бронза медал билан тақдирланди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали директори Гера ЛИГА онаси

Ксения ТЕННИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали жамоаси филиалнинг Косовой туман почта алоқаси тармоғи Косонсой-1 алоқа бўлими бошлиғи **Дадаҳон АБДУШАХИДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардик билдиради.



Буюк Ипак йўли тўғрисидаги дастлабки маълумотлар хитойлик сайёҳ ва элчи Чжан Цзян томонидан келтирилган деб тахмин қилинади. Маълумки, Хитой давлати жуда қадимдан шаклланиб, чет мамлакатлар билан алоқаларни, аввало, қўшнилари, жумладан, Марказий Осиё халқлари билан бошлаган. Худди шу даврларда Юнонистон, Рим империяси Византияда ҳам фан-техника, саноат ва савдо гуркираб ривожланиб, бошқа давлатлар билан алоқа, савдо-сотик қилиш эҳтиёжлари пайдо бўла бошлаган.

TARIXGA BIR NAZAR

# Буюк Ипак йўли



Ўша даврлардан европалликлар Хитой, Ҳиндистон, Япония ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Европалликларнинг Шарққа борадиган куруқликдаги йўллари асосан Марказий Осиё худудидан ўтган. Хуллас, Марказий Осиё худудидан Шарқ ва Ғарб давлатлари ва халқларини боғлаб турувчи савдо йўли — карвон йўллари ўтган. Ўша пайтда Европада ипак жуда қадрланар эди. Ипак эса фақат Хитойда ишлаб чиқарилган. Аксарият европалликлар Хитойдан ипак харид қилганликлари учун ушбу ғарб ва шарқни боғлаб турувчи карвон йўли асрлар оша Буюк Ипак йўли деб ном олган.

Сурхондарёнинг "Далварзинтепа" ва "Фазтепа" дея номланувчи эски шаҳар харобаларидан топилган 3000 йил илгари Марказий Осиёда ҳукмрон бўлган Кушон империясига оид қадимги осориятиқалар Хитой, Япония ва Корея тарихига ҳам боғлиқлиги исботланди. Японияда эса Марказий Осиё халқлари тарихига оид тарихий буюмлар топилди. Демак, ушбу ходисалар Буюк Ипак йўлининг жуда қадимдан мавжудлигини яна бир қарра исботлайди.

Буюк Ипак йўлининг уч йўналиши мавжуд бўлган. Биринчи йўналиш жанубий денгиз йўли ҳисобланиб, Европадан Ўрта Ер денгизи орқали Арабистонга ўтилиб, сўнгра Ҳинд океани бўйлаб Ҳиндистонга борилган. Ҳиндистондан эса бошқа давлатларга ўтилган. Иккинчи асосий йўл эса куруқликдаги ҳозирги Римдан бошланиб, Туркия, Арабистон, Эрон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон худудларидан ўтиб, Такла-Макон чўли орқали Хитойга ёки Қорақурум тизмаси орқали Ҳиндистонга ўтилган. Учинчи йўл жануби-шарқий Евро-

падан ўтиб, Украина, Кавказ, Жанубий Россия ва Қозғоғистоннинг бепоён чўллари, Қашқар ва Ерқент шаҳарлари орқали Хитой ёки Ҳиндистонга ўтилган. Бундан кўринадики, Буюк Ипак йўлининг асосий худуди Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистондан ўтган. Ўзбекистоннинг Хива, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Фарғона, Марғилон ва бошқа шаҳарлари Буюк Ипак йўлининг асосий қўналга ва кўнимгоҳлари бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун бу жойларда савдо-сотик, аҳолига хизмат кўрсатиш, меҳмонхона, карвонсарой хизматлари ва сайёҳларга сервис хизмат кўрсатиш асрлар оша гуркираб ривожланган.

Буюк Ипак йўлининг бошланиш қисми бизнинг республикамизда Хоразм вилоятидан бошланади. Ўзбекистон тарихида Хоразм алоҳида ўрин тутди. Минг йиллар аввал бу ерда Хоразм шоҳлари улкан давлатга асос солганлар. Чингизхон боқинидан кейин бу худуд вайрон бўлиб, култепага айланди.

Амир Темуру ўз Ватанини мўғул боқинчиларидан тозалади ва улкан давлатга асос солиб, шаҳарлар, қўрғонлар, карвонсарой ва мадрасалар қурди ва Буюк Ипак йўли йўналишидаги барча жойларни ободонлаштирди. У ҳукмронлик қилган замонда Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Фарғона, Тошкент ва бошқа шаҳарлар гуркираб ривожланиб, Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим ва керакли манзилгоҳларга айланиб, дунё эътиборига тушди.

Тарихда ўтган жуда кўплаб олимлар, шоирлар, тарихчилар, элчилар ва бошқа кўплаб саёҳатчилар Буюк Ипак йўли тўғрисида маълумотлар қолдиришган. Булардан италиялик Марко Поло, испан-

иялик элчи Гонзалес де Клавихо, венгриялик Херманн Вамбери, франциялик ёзувчи Жюль Верн, россиялик Афанасий Никитин, инглиз олимларидан Стэнли Лен-Пул ва Эрскинлар бу тарихий йўл тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдиришган.

Хозирга келиб, Буюк Ипак йўлининг жаҳон тарихи саҳифасида муносиб ўрин эгаллаганлиги бот-бот такрорланыпти. Чунки Буюк Ипак йўли асрлар оша халқларни бир-бирига яқинлаштирган ва барча халқ ва элатлар ўзаро тиллашишган. Турли халқ ва элатларнинг санъати, маданияти, тили ва тарихи Буюк Ипак йўлида ўзаро мужассамлашган. БМТнинг фан ва маданият соҳасидаги "ЮНЕСКО" халқаро ташкилоти Буюк Ипак йўли — мулоқот, халқларни бирлаштирувчи ва маданият йўли мавзусида халқаро дастурни ишлаб чиқиб, даврий равишда ушбу дастур бўйича симпозиум ва форумлар ўтказиб турибди. Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ташкилотлар, хусусан, Осиё Тараққиёт Банки кўмагида Буюк Ипак йўлини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида қўшни республикалар билан ҳамкорликда "Буюк Ипак йўли бўйлаб", "Транскавказ" ва Ўзбекистоннинг Ҳинд океани ҳамда Форс қўлғидаги денгиз портларига чиқадиган автомобиль ва темир йўллар лойиҳасини ишлаб чиқди. Эндиларда бу лойиҳани рўёбга чиқариш боқимча-боқимч амалга ошириляпти.

Хасан ШУКУРОВ,  
"Ўзбектелеком" АК  
"ТТТ" филиали етакчи муҳандиси

AKS-SADO



## Ўринли таклиф

Ассалому алайкум, ҳурматли "Xabar" газетаси ходимлари! "Xabar" газетасининг 2012 йил 13 январдаги 2-сонида соҳа ходимлари ўртасида "Ош фестивали" ўтказиш таклифи ёритилди. Шунга фикр-мулоҳазаларимни билдириб ўтсам.

Аволаамбор, анчадан буён шунга ўхшаш маслаҳат билан оиламиз номидан тахририятга чиқиб шайтимон бот эди. Мен ҳам "Xabar" газетасининг шундай йўқувчисиман. Айтинч жозик, алоқа ходимларидан ташқари, пенсионерлар ҳам шу газетани ўқиб, ўз фикрларини билдиришади. "Xabar" жиддий газета, лекин унда фойдали маслаҳат ва хандошлар ҳам чиқиб туради. Аммо бу камдек назаримда, қўноқлик бағишловчи мақолалар ҳам чоп этилса, ҳордиқ чиқаришимиз учун имкон бўларди. Бу абадташа, меннинг шахсий фикрим.

"Ош фестивали" га келсак, бу фикрми қўлаб қувватлаган ҳақда шитирок этишга ҳам жамоамиз тайёр. Нафқат ош, балки ушмишимиз оби-нов, сома, умуман олганда, ҳар бир аёлнинг таом тайёрлашда ёшликдан ўрганган сирини бўлади ва, албатта, ош аччиқ чўчқисиз тайёрланмайди. Шунинг учун ҳамма-ҳаммаси секин-аста шу газетода ҳам ёритилиб борилса, жуда ҳам зўр бўлар эди. Мен буғич ва онамдан ўрганган таомларим, турли салат ва нон тайёрлаш услубларимни сизлар билан бўлишига тайёрман.

Қовурма палов, нўстдўмба ли палов, пистали палов, беҳи, олма, картошкали палов, қийма палов, турғамчи, зиркли, майизли, апорли, нўхатли, қайнатма палов ва парҳез паловларни жуда яхши тайёрлайман.

Муяссар БИРОҲИМОВА,  
"Ўзбектелеком" АК  
Наманган филиали диспетчери

### Бошидан бошлаймиз

Кетма-кет келган ўн иккинчи маълумиятдан кейин бош мураббий футболчиларни тўплаб шундай деди: — Демак, ҳаммасини бошидан бошлаймиз. Мана бу қўлимдаги нарса копток. Орқада турган ҳужумчилардан бири мураббийнинг гапини бўлди: — Жаноб мураббий, яқинроқдан кўрайлик, илтимос.

### Санагалар



### Ойимни чақирайлик...

Тўйдан кейин келин турмуш ўртоғига деди: — Энди ишимга қайтсам дегандим. Хар қалай қизиққан соҳам, қолаверса, бир неча йил олийгоҳда қийналиб ўқидим. — Йўқ, ишлашингни истамайман. Худога шукр, топишим ёмон эмас. Сенга ўхшаган аёллардан иккитасини боқишга қурбим етади. — Вой, шунақами? Ундай бўлса ойим биз билан яшай қолсинлар.

## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-252 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қозғоқ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18314 нуска.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмоғжон ЙҮЛДОШЕВ.

### ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

|                    |                     |                    |                    |                    |                    |                      |                   |                       |                    |                     |                     |                     |                   |
|--------------------|---------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|----------------------|-------------------|-----------------------|--------------------|---------------------|---------------------|---------------------|-------------------|
| Вилоят муҳбирлари: | Андижонда 226-47-80 | Бухорода 223-27-85 | Ўлустонда 40-12-19 | Жиззахда 226-06-34 | Навоийда 225-91-10 | Наманганда 232-97-86 | Нукусда 554-35-45 | Самарқандда 233-61-81 | Термизда 224-06-12 | Тошкентда 288-40-66 | Урганчада 226-37-16 | Фарғонада 224-91-56 | Қаршида 314-08-99 |
|--------------------|---------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|----------------------|-------------------|-----------------------|--------------------|---------------------|---------------------|---------------------|-------------------|